

НОРМА МАСЛАХАТЧИ

ҲУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

2005 йил июлдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

Тақдим этилаётган, шунингдек сўнги пайтда қабул қилинган бошқа ҳужжатларнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва norma.uz, nrm.uz сайтларида танишиб чиқишингиз мумкин.



Меҳмонхона ва туристик хизматларга солиқ имтиёзлари берилди

Президентнинг 4.05.2017 йилдаги ПФ-5033-сон Фармони билан туризм соҳасидаги бизнес-субъектларга қўшимча имтиёзлар тақдим этилди.

Жорий йилнинг 1 июнидан меҳмонхона ва туристик хизматларга тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар учун тақдим этиладиган имтиёзлар татбиқ этилади.

Маълумот учун: имтиёзлар юридик шахслардан фойда солиғи, мол-мулк солиғи, обodonлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ЯСТ,

шунингдек Республика йўл жамғармасига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилиш кўринишида берилди ва тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар ҳажми кўйидагича бўлганда амал қилади:

300 минг АҚШ долларидан 3 млн АҚШ долларигача – 3 йил;

3 млн АҚШ долларидан 10 млн АҚШ долларигача – 5 йил;

10 млн АҚШ долларидан юқори бўлганда – 7 йил.

Бундан ташқари, юридик шахслар тасдиқланадиган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарил-



майдиган, меҳмонхона ва мотеллар қуриш ва қайта таъмирлаш учун олиб келинадиган асбоб-ускуналар, техникалар, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва материаллар учун божхона тўловлари (божхонада расмийлаштириш йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан 5 йил муддатга озод қилинади.

Президентнинг қуйидаги фармонларига тегишли қўшимчалар киритилди:

➤ «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» (11.04.2005 йилдаги ПФ-3594-сон);

➤ «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» (2.12.2016 йилдаги ПФ-4861-сон).

ТДЮУ абитуриентлар қабул квотасини оширди

Президентнинг 28.04.2017 йилдаги ПҚ-2932-сон қарори билан Тошкент давлат юридик университети янада ривожлантиришнинг асосий йўналишлари белгиланди ва унинг янгиланган ташкилий тузилмаси тасдиқланди.

Биринчидан, педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш факультети қайта ташкил қилинди. Унинг негизда юридик шахс мақомига эга Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тармоқ маркази ташкил этилди. У ерда мамлакатимиз ўрта махсус, касб-хунара ва олий таълим муассасаларида ҳуқуқий фанлардан дарс берадиган педагоглар малакасини оширади ва қайта тайёрлашдан ўтади.

Университет Маркази унинг ходимларига ҳар ойлик устамалар (тариф ставкасининг 100%гача миқдоридан) белгилаш учун бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлари ҳисобидан моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлайди.

Иккинчидан, ТДЮУ Васийлик кенгаши ташкил этилди. Унинг таркибига Бош прокурор раислигида суд-ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари киритилди.

Васийлик кенгаши университетга қуйидаги устувор масалаларда кўмаклашади:

➤ битирувчиларни ишга жойлаштириш бўйича давлат, жамоат ва бизнес тузилмалари билан ҳамкорликни амалга ошириш;

➤ олий юридик таълимни ривожланишига кўмаклашувчи янги шакл, дастур ва истиқболли ташаббусларни қўллаб-қувватлаш, илмий ишланмалар натижаларини қўнунчилик фаолияти ва ҳуқуқни қўллаш амалиётига самарали жорий этиш;

➤ ўзаро ҳамкорлик тўғрисида ҳамкорлик келишувларини тузиш амалиётини ривожлантириш ва уларни амалга ошириш;

➤ таълим ва фан соҳасида халқаро ҳамкорликни ўрнатиш ва ривожлантириш;

➤ ТДЮУнинг педагог ва бошқа ходимлари меҳнат шaroитлари ва ижтимоий таъминотини яхшилаш;

➤ молиявий ёрдам кўрсатишни ташкил этиш, унинг фаолиятини таъминлаш ва ривожлантириш учун бюджетдан ташқари маблағлар, хайрия маблағларини жалб қилишга кўмаклашиш.

Шу билан бирга олий ўқув юрти кўпроқ мустақиллик олди. Масалан, университет ўқув жараёнининг ҳуқуқни қўллаш амалиёти билан узвий боғлиқлигини таъминлашни инobatга олган ҳолда битирувчиларга нисбатан малака талаблари, ўқув режа ва дас-

турларини мустақил равишда ишлаб чиқади ва тасдиқлайди.

ТДЮУ таълим беришнинг модул тизими шароитида профессор-ўқитувчилар таркиби меҳнатини нормалаштириш иш вақтининг фақат ўқув тадбирларига асосланган ҳолда мустақил амалга оширилади.

Шунингдек педагоглар томонидан илмий-методик, илмий-тадқиқот, ташкилий-методик, маънавий-ахлоқий ва тарбиявий ишларни бажариш рағбатлантирилади. Бунинг учун Моддий рағбатлантириш махсус жамғармаси тузилди. Жамғарма бюджетдан ташқари (тўлов-контракт) маблағлар ҳисобидан шакллантирилади ҳамда штатдаги бошқарув, профессор-ўқитувчилар, илмий, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимларга ҳар ойлик устамалар (тариф ставкасининг 100 фоизигача миқдорда) белгилашга йўналтирилади.

ТДЮУ бакалавриятига талабалар қабул қилиш квотаси тўлов-контракт асосида қабул қилиш квотасини кўпайтириш ҳисобига 600 нафар қилиб белгиланди (оширилган контракт ставкалари бўйича қўшимча қабул қилиш имконияти билан).

Бундан ташқари, 2017/2018 ўқув йилидан бошлаб хорижий фуқаролар қабул қилиш квоталаридан ташқари суҳбат қилиш йўли билан тест синовларини топширмаган ҳолда бакалавриятга қабул қилинади. Ўқиш учун контракт суммаси улардан хорижий валютада қабул қилинади.

Мансабдор шахслар нима учун ва қандай жазоланадилар

Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2017 йилдаги 264-сон қарори билан Вазирлар Маҳкамасининг мансабдор шахсларига, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари раҳбарларига нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Низомга кўра йўл қўйилган айбли ҳаракат (ҳаракатсизлик) учун кўрсатиб ўтилган мансабдор шахсларга нисбатан ҳайфсан эълон қилиниши, лавозим маошининг 50%гача миқдорда жарима солиниши ёки улар билан тузилган меҳнат шартномаси тўхтатилиши (лавозимдан озод қилиниши) мумкин.

Мансабдор шахсларнинг айбли хатти-ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) ижро интизомининг тизимли ва танқидий таҳлили асосида, шунингдек қонунлар, Прези-

дентнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқлари ижроси юзасидан ўтказилган мақсадли ўрганишлар натижалари бўйича белгиланади. Шу жумладан Олий Мажлиснинг палаталари, Президент Девони ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари томонидан ўтказиладиган текширишлар ва ўрганишлар натижалари бўйича ҳам белгиланиши мумкин.

Интизомий жазо чорасини қўллаш тўғрисидаги тақлиф қуйидагиларни ўз ичига оладиган хизмат текшируви натижалари асосида киритилади:

Ушбу
сонда:

3-6-БЕТЛАР

Мавсумий ишчига пенсия ва ПЖ мутахассисларининг бошқа тушунтиришлари

7-БЕТ

Пропискасиз қанча меҳмон бўлиш мумкин?

8-БЕТ

Ички ишлар органлари ўзганинг транспортдан мажбурий тарзда фойдаланадиган ҳоллар

2-бетда

Янги ҳужжатларни тақдим этамиз

➤ унга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш тўғрисида таклиф киритилган мансабдор шахсдан ёзма тушунтириш талаб қилинишини;

➤ ҳужжатлар лойиҳаларини киритишнинг белгиланган муддатлари бузилишига олиб келган сабаб-

лар таҳлил қилинишини, шу жумладан киритилган ҳужжатлар лойиҳалари тақдим этилиши ва келишилиши хронологияси кўриб чиқилишини, шунингдек асоссиз равишда кечиктиришга йўл қўйган мансабдор шахслар аниқланган ҳолда ҳужжатнинг лойиҳасини сифатсиз экспертизадан ўтказган органларни аниқлашни;

Фонд биржаси аҳолига ва тадбиркорларга акцияларни сотиб олишни таклиф қилади

Вазирлар Маҳкамасининг 10.05.2017 йилдаги 268-сон қарори билан Фонд биржасида акцияларни бирламчи (IPO) ва иккиламчи (SPO) ошкора таклиф этиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Тажриба тариқасида аҳолига ва тадбиркорлик фаолияти субъектларига «Кварц» АЖ (IPO), «Шахрисабз вино-ароқ» АЖ (SPO) ва «Қўқон механика заводи» АЖ (SPO) акцияларини (устав капиталининг 10%) бирламчи ва иккиламчи ошкора таклиф этиш ўтказилади. Бунда бир шахс (андеррайтердан ташқари) реализация қилган акциялар умумий акциялар миқдорининг 0,05%идан ошмайдиган қисмини харид қилиш мумкин.

Маълумот учун: Вазирлар Маҳкамасининг 6.05.2017 йилдаги 261-сон қарорига (Қонун ҳужжатлари тўпламининг 15.05.2017 йилдаги 19-сонидан чоп этилган) мувофиқ «Кварц» АЖда ишлаб чиқарилган ишла банкларни (ТИФ ТН коди – 7010 90 1000) ҳў-

жалик юритувчи субъектлар томонидан экспортга реализация қилиш шартномавий нархлар бўйича (ҚҚСни ҳисобга олмаган ҳолда), бироқ нархларни тартибга солишчи органда декларацияланган (тасдиқланган)ларидан паст бўлмаган нархларда амалга оширилади.

Фонд биржасида акциялар уларни бирламчи ва иккиламчи ошкора таклиф этишни ўтказиш орқали энг юқори нарх таклифининг устуворлигини ҳисобга олган ҳолда, инвесторлар томонидан таклиф этилган нархлар бўйича сотилади. Бунда давлат мулкларини объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги қоидалар давлат акциялар пакетига, шу жумладан уларни реализация қилиш нархларини белгилашга татбиқ этилмайди.

IPO ва SPO акцияларни ошкора таклиф этиш ташкилотчиси томонидан ўтказилади. Андеррайтинг фаолиятини амалга оширувчи ҳамда акцияларни ошкора таклиф этишни ташкил қилиш ва ўтказиш

➤ қонун ҳужжатлари, Президентнинг ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг ҳужжатлари ва топшириқларининг ўз вақтида бажарилиши таъминланмаганилиги, улар ижросини ташкил этишнинг ва назоратнинг паст даражаси сабаблари таҳлил қилинишини.

Интизомий чоралар ижроси учун мазкур ҳолда кадрлар хизмати ходимлари, жарима, рағбатлантириш бўйича тўловларнинг тўхтатилиши ёки уларнинг миқдори пасайтирилиши ижроси учун эса — тегишли органнинг молия хизмати (бош бухгалтер) жавоб беради.



хизматларини кўрсатувчи инвестиция воситачиси ёки тижорат банки ёхуд сўғурталовчи ташкилотчи бўлиши мумкин.

Шуни таъкидлаш керакки, ошкора таклиф этишнинг ўтказиш таомили АЖни олдиндан ўрганиш, яъни мустақил баҳолаш, молиявий аҳолини ва бозордаги ҳолатини комплекс ўрганиш, шунингдек инвестиция таваккалчиликларини баҳолашни назарда тутувчи, у ҳақдаги объектив тушунчалар тузилишини ўз ичи олади.

Жараёни давомиди аудиторлик, баҳолаш, консалтинг ва сўғурта ташкилотлари, банклар ва бошқа экспертлар жалб этилиши мумкин бўлган олдиндан ўрганишни ташкилотчи амалга оширади.

Сабзавот ва меваларнинг давлат хариди – ҳудудий ярмаркаларда

Вазирлар Маҳкамасининг 12.05.2017 йилдаги 271-сон қарори билан ВМнинг «Янги мева-сабзавот маҳсулотлари, картошка, полиз маҳсулотлари ва узум харид қилиш юзасидан давлат буюртмаси тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (15.06.2016 йилдаги 206-сон) ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Энди давлат буюртмаси доирасида мева-сабзавот маҳсулотлари харид қилишга контрактация шартномалари ҳудудий мева-сабзавот ярмаркаларида тузи-

лади. Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида бундан буюн фақат мева-сабзавотлар экспортга шартномалар тузилади. Илгари контрактация шартномалари Халқаро мева-сабзавот ярмаркасида тузилар эди.

Ҳудудий мева-сабзавот ярмаркалари ҳар йили ноябрь ойида ўтказилади. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари Ўзбекизоқовқатхолдинг, Ўзвиносаноат-холдинг, «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси, «Ўзагроэксспорт» АЖ ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси билан биргаликда уларнинг ташкилотчилари ҳисобланадилар.

Эътиборли жиҳати шундаки, энди ташкилий-ҳуқуқий шаклларида қатъи назар, мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишловчи, тайёрловчи ва экспорт қилувчи барча ташкилотлар буюртмачилар бўлиши мумкин. Илгари бундай ҳуқуқ «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК, «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК қайта ишловчи корхоналари, «Ўзбекизоқовқатзахира» уюшмаси тайёрлаш ва сақлаш учун гамлаш корхоналари, «Ўзагроэксспорт» АЖ ихтисослаштирилган ташқи савдо компанияси экспортчи ташкилотларигагина берилган эди.

Олег Заманов, Самир Латипов, «Norma Online» экспертлари.

ХОРИЖИЙ ВАЛЮТАЛАРНИНГ СЎМГА НИСБАТАН ҚИЙМАТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2017 йил 23 майдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мабурий тўловларни учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қийматини белгилади.*)

1 Австралия доллари	2841,28	1 Малайзия ринггити	887,45
1 Англия фунт		1 Польша злотийси	1020,64
1 стерлинги	4967,36	1 СДР	5274,53
1 Дания кронаси	574,54	1 Туркия лираси	1068,72
1 БАА дирҳами	1040,26	1 Швейцария франки	3921,64
1 АҚШ доллари	3820,46	1 ЕВРО	4245,83
1 Миср фунти	210,96	10 Жанубий Корея вонини	34,22
1 Исландия кронаси	38,22	10 Япония иенаси	342,52
1 Канада доллари	2824,95	1 Россия рубли	66,84
1 Хитой юани	554,74	1 Украина гривнаси	144,88

*) Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

МДҲ ВА БОЛТИҚБҲИИ МАМЛАКАТЛАРИ ВАЛЮТАЛАРИНИНГ АҚШ ДОЛЛАРИ, ЕВРО ВА РОССИЯ РУБЛИГА НИСБАТАН КУРСЛАРИ

Мамлакат	Сана	АҚШ доллари		Евро		Россия рубли	
		бирлиги	курси	бирлиги	курси	бирлиги	курси
Озарбайжон	22.05.2017	1	1,7023	1	1,9047	1	0,0300
Арманистон	20.05.2017	1	483,05	1	538,94	1	8,46
Беларусь	22.05.2017	1	1,8609	1	2,0751	100	3,2588
Грузия	22.05.2017	1	2,4104	1	2,6895	100	4,2182
Қозғистон	22.05.2017	1	312,55	1	348,68	1	5,48
Қирғизистон	22.05.2017	1	67,9133	1	75,7165	1	1,1881
Молдова	22.05.2017	1	18,4088	1	20,5451	1	0,3222
Россия	20.05.2017	1	57,1602	1	63,6479	—	—
Тожикистон	22.05.2017	1	8,4990	1	9,5019	1	0,1513
Туркменистон	22.05.2017	1	3,5000	1	3,9214	100	6,1449
Украина	22.05.2017	100	2 636,9659	100	2 947,8642	10	4,6133

Марказий (миллий) банкларнинг расмий сайтлари маълумотлари асосида.

УШБУ СОНДА

- ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИКЛАР
 - Янги ҳужжатларни тақдим этамиз
 - Валюталар курси 1-2-бетлар
- ПЕНСИЯ ИШИ
 - Пенсияерларнинг шахсий картончалари — электрон форматда
 - Ҳарбий пенсионерлар учун танлов
 - Мавсум йил ўрнига ҳисобланганда

- Тўлайликми ёки тўламайликми?
 - Нафақа лозим бўлмайди
 - Фермер эътиборига
 - ШЖБПХ мерос сифатида
 - Тасдиқлаш жараёнида
 - ЭКИХдан келиб чиқиб
 - Ишловчи пенсионерлар қаторида
 - Солиқ имтиёзлари ва
 - 50 фоизлик чегирма 3-6-бетлар
- ПАСПОРТ МАСАЛАЛАРИ
 - Ўз вақтида ва қонун

- ҳужжатларига мувофиқ
 - Шахсий турар жой учун — доимий прописка
 - «Оилавий» жарималар
- АВТОНОРМА
 - Ташкилот ва фуқароларнинг транспортдан фойдаланганлик учун зарар қандай қопланади
- СЕМИНАР
 - Коррупцияга қарши курашиш йўлида

ЭЪЛОНЛАР

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2017 йил 16 майдаги 139-сон буйруғига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 08.08.2011 йилда берилган 000057-сон солиқ маслаҳатчиси малака сертификатининг амал қилиши 2017 йил 16 майдан бошлаб тугатилди.

Вазир ўринбосари
М.МИРЗАЕВ.

ХИЗМАТЛАР

Ташкилотлар учун компьютер ва маъишӣ техникани ҳисобдан чиқариш учун ҳужжатларни тайёрлаш. Тўлов — исталган шаклда. Тел.: 236-76-46, 233-74-95, 233-17-56.

Иш ҳужжатларини муқовалаш. Тел.: (+998 93) 556-61-31, (+998 90) 189-28-09.

Тахрират аноним хатларга муносабат билдирмаслиққа, қонун ҳужжатларида белгилангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиққа ҳақли.

«Норма маслаҳатчи» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб бо-
сиш, электрон ва бошқа манбаларда қўлайтириш, тарқатишга фақат «NORMA» gazetaları birleshan
tahririyati» МЧЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

ПЕНСИЯ ИШИ



Махсус мавзувий сон*

Мавсумий банд бўладиган ишда ишлайсизми, бу даврлар стажга кириш-кирмаслигини билмайсизми? Бу ҳолда мавсумий ишчиларга пенсия ҳисоблаб ёзиш хусусиятлари ҳақида тушунтиришларни ушбу сонда ўқинг. Шунингдек Пенсия жамғармаси мутахассиси ўқувчиларимизнинг саволларига жавоб беради.

Агар экспертларга саволингиз бўлса, уларни **norma.uz** сайтидаги «Жавоб берамиз» сервисига ёки газета-мизнинг **gazeta@norma.uz** ва **ntv@norma.uz** электрон манзилларига йўлланг.

Қонунчиликдаги янгиликлар

Пенсионерларнинг шахсий карточкалари – электрон форматда

Молия вазирининг буйруғи (АВ томонидан 4.04.2017 йилда 2657-2-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловларни тўлашни ташкил этиш тартиби тўғрисидаги йўриқномага тузатишлар киритилди.

Энди шахсий карточкалар (тайинланган пенсия ва нафақалар тўғрисидаги маълумотлар қайд этиладиган ҳужжатлар) фақат электрон кўринишда юритилади ва ахборот тизимида расмийлаштирилади.

Шунингдек Пенсия жамғармаси бўлимлари пенсия ва нафақаларни банк пластик карточкалари орқали тўлаш учун маблағларни ўтказиш мақсадида тўлов топшириқномалари ва қайдномаларни энди ахборот тизими орқали юборади.

Қўшимча равишда таъкидланганидек, пенсионер ва нафақа олувчиларнинг маблағлари уларга кириш қилинган сана улар тўланган сана деб ҳисобланади.

Карточкаларга маблағлар пенсионерлар ва нафақа олувчилар вафот этган санадан сўнг кириш қилинган ҳолларда, Пенсия жамғармаси бўлимлари уларни вафот этганларнинг ҳисобварағида қолдиқ маблағлар ҳисобидан қайтариш тўғрисида тегишли тижорат банклари филиалларига хат юбориш орқали қайтариш чораларини кўради.

Ҳужжатга бошқа айрим ўзгартаришлар ҳам киритилган.

Буйруқ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 10.04.2017 йилдаги 14-сонидан расмий эълон қилинган кундан бошлаб қучга кирди.

*Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг ахборот кўмағида тайёрланди.

БУГУНГИ СОНДА:

Тўлайликми ёки
тўламайликми?
Пенсия жамғармаси
учун компенсация
тўғрисида

4

ФЕРМЕР
ЭЪТИБОРИГА
Стаж «қўймаслиги
учун» бадалларни
тўланг

5

ЭКИХДАН
КЕЛИБ ЧИҚИБ
Ходимга биринчи
разряддан оз маош
ҳисоблаб ёзилган
бўлса...

7

ИШЛОВЧИ
ПЕНСИОНЕРЛАР
ҚАТОРИДА

Буни билиш муҳим

8

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Ҳарбий пенсионерлар учун танлов

Мудофаа вазирлиги, Меҳнат вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази қарори (АВ томонидан 13.04.2017 йилда 2874-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан Ҳарбий хизматчилар орасидан пенсионерларни ҳарбий-академик лицейлар, шунингдек академик лицейлар ва касб-хунар коллежларига ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ҳарбий пенсионерлар ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш жараёнига янада кенгроқ жалб этиш мақсадида ишга қабул қилиниши белгиланди.

Тегишли маълумотга, касбий тайёргарликка ва юксак ахлоқий сифатларга эга бўлган ҳарбий пенсионерлар ҳарбий-академик лицейда педагогик фаолият билан шуғулланиш ҳуқуқига эга.

Директор, унинг ўринбосари, ўқитувчи бўш (вакант) лавозимларига номзодларни танлаш тартиби махсус низомлар (Президентнинг 28.02.2005 йилдаги Ф-2146-сон фармойиши билан тасдиқланган; АВ томонидан 28.03.2005 йилда 1461-сон билан рўйхатдан ўтказилган) билан белгиланган.

Муайян таълим муассасаларида ишловчи ҳарбий пенсионерлар 100 фоизлик пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Бўш (вакант) директор лавозимига танловда иштирок этиш хоҳишини билдирганлар танлов эълон қилинган кундан эътиборан 1 ой муддат ичида ҳудудий ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармасига қуйидаги ҳужжатларни топшириши лозим:

- ариза;
- паспорт нусхаси;
- пенсия гувоҳномаси нусхаси;
- Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервидаги ҳарбий хизматчининг гувоҳномаси;
- сўровнома;
- таржimai ҳол;
- олий маълумот тўғрисидаги дипломининг нусхаси;
- меҳнат дафтарчаси (мавжуд бўлса).

Ҳарбий-академик лицей директори мудофаа вазири билан келишилган ҳолда олий ва ўрта махсус таълим вазири томонидан лавозимга тайинланади. Директорларнинг ўқув, маънавий-маърифий ва маъмурий-ҳўжалик ишлари бўйича ўринбосарлари ҳамда ўқитувчилари эса Ўрта махсус, касб-хунар таълими маркази билан



келишилган ҳолда ҳарбий академик лицей директори томонидан лавозимга тайинланади. Директорнинг ўринбосарлари ёки ўқитувчилари лавозимига тайинлашда улар ҳақда туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлимининг фикри олинади.

Лицейлар ва коллежларнинг қақирувга қадар бошланғич тайёргарлик фани раҳбари лавозимига қабул қилиш Қақирувга қадар бошланғич тайёргарликни ташкил этиш ва уни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 18.12.2014 йилдаги 348-сон қарори билан тасдиқланган) белгиланган.

Ходимни туман (шаҳар) мудофаа ишлари бўлими билан келишган ҳолда лицей ёки коллеж директори ушбу лавозимга тайинлайди.

Лицей ва коллежларнинг бўш (вакант) маънавий-маърифий ишлар бўйича директори ўринбосари ҳамда тарбиячиси лавозимига номзодлар умумий асосларда тайинланади.

Ҳужжат Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўпламининг 17.04.2017 йилдаги 15-сонида расмий эълон қилинган кундан бошлаб қўлга кирди.

Олег Заманов, Сардор Жумашов,
«Norma Online» экспертлари.

Маълумот учун!

ШЖБПҲга ва жамғариб бориладиган пенсия дафтарчасига эга бўлмаган ходимни ишга **ҚАБУЛ ҚИЛИШДА**, иш берувчи 5 кун муддатда Халқ банки филиалига жамғариб бориладиган пенсия тизимида **ҲИСОБГА ҚЎЙИШ** учун ишга қабул қилинган ходимнинг шахсий маълумотлари қўрсатилган сўровномани тақдим этиши шарт.

Мавзуйи сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Мавсумий ишчиларга пенсия ҳисоблаб ёзиш хусусиятлари

Мавсум йил ўрнига ҳисобланганда

Вақти-вақти билан кўшимча ишчи кучи – мавсумий ишчиларни жалб этишга эҳтиёж сезувчи саноат тармоқлари мавжуд. ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижроия аппаратининг пенсиялар тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи Зафаржон Хўжаев уларга пенсия қандай ҳисоблаб ёзилиши ҳақида сўзлаб берди.

– Қандай тоифадаги ходимларни мавсумий ишчилар сирасига киритиш мумкин?

– Агар умуман сўз юритсак, ушбу тоифага тармоқ (қишлоқ хўжалиги, озик-овқат саноати, мелиоратив ва сув хўжалиги қурилиши, уй-жой-коммунал хўжалиги ва ҳ.к.) хусусиятига қараб муддатли шартнома бўйича ишларда банд бўлган ходимларни киритиш мумкин.

– Пенсия ҳисоблаб ёзишда муайян имтиёзлар мавжудми, мавсумий ишчиларнинг стажига қандай ҳисоблаб чиқарилади?

– Мавсумий ишларда банд бўлган ходимлар фақат иш стажини ҳисоблаб чиқариш учун назарда тутилган имтиёзга эгалар. Чунончи, саноатнинг мавсумий тармоқлари ташкилотларида банд бўлган ходимларнинг **тўлиқ мавсум** давомида ишлаши **1 йил сифатида, тўлиқсиз мавсум** давомида ишлаши эса – **амалдаги давомийлиги бўйича** ҳисобга олинади.

Бироқ мазкур имтиёз барча мавсумий ходимларга татбиқ этилмайди. Қуйдагиларда **тўлиқ** бир мавсум ишлаш пенсия тайинлаш учун бир йил меҳнат стажига ўтадиган мавсумий ишлар ва саноатнинг мавсумий тармоқлари ҳисобланади (*Рўйхат, ВМнинг 8.09.2011 йилдаги 252-сон қарори билан тасдиқланган Низомга 5-илова*):

1) пахта тозалаш саноати корхоналаридаги ишлар:

а) пахтани қуритиш;

б) пахтани тозалаш;

в) пахтани юклаш, тушириш;

г) пахтани пневмотранспортга ортиш;

д) қуритиш-тозалаш цехини йиғиштириш ва иситиш, ишлаб чиқариш чиқиндиларини чиқариб ташлаш;

2) саноатнинг қанд-шакар ва консерва ишлаб чиқариш тармоқлари корхоналаридаги ишлар.

МИСОЛ. Ишчи тўлиқ 7 мавсумда пахта тозалашда банд бўлган. Бу вақт унга пенсия ҳисоблаб ёзишда 7 йил сифатида иш стажига киритилади.

Президентнинг «Ўзбекипаксаноат» уюшмаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори



(29.03.2017 йилдаги ПҚ-2856-сон) билан юқорида кўрсатилган Рўйхатни кенгайтириш назарда тутилган.

Чунончи, пилла ишлаб чиқарувчи ипакчилик тармоғи ташкилотларида меҳнат шартномалари, шу жумладан касаначилик асосида тут ипак қурти тирик пилласини етиштириш ишини Рўйхатга киритиш топширилди.

Мавсумий ишларда банд бўлган ходимларга бошқа имтиёзлар назарда тутилмаган.

Бошқаларда бўлганидек, уларнинг ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқи ҳам умумий қоидага биноан белгиланади («Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддаси). Пенсия тайинлаш учун етарлича иш стажига эга бўлмаган шахсларга ёшга доир пенсиялар Қонун 37-моддаси 1-қисмининг «а», «б», «в» ва «г» бандларида назарда тутилган камида 7 йил иш стажига мавжуд бўлган тақдирда, бор стажга мутаносиб миқдорда (Қонуннинг 29-моддаси) тайинланади (Қонуннинг 8-моддаси).

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган ўртача ойлик иш ҳақи, ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, меҳнат фаолиятининг охириги 10 йили давомидаги исталган кетма-кет 5 мавсумдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) қайта ҳисобланган иш ҳақининг умумий миқдорини 60 га бўлиш йўли билан аниқланади (Қонуннинг 31-моддаси 5-қисми).

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Мутахассис тушунтиради

Тўлайликми ёки тўламайликми?



Бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасининг ҳудудий вилоят бошқармалари 2016 йил 1 январгача пенсияга чиққан ходимларга имтиёзли пенсиялар тўлаш харажатларини қопловчи компенсацияларни ундириш ҳақидаги даъво аризалари билан суд органларига мурожаат қилиши ҳоллари сўнгги пайтда амалиётда кўп учрамоқда.

Шу ўринда «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 66-моддаси 2-қисми 2016 йил 1 январдан амалга жорий этилганлигини қайд этиб ўтиш лозим.

Шу муносабат билан жорий этилган ўзгартиришлар ходимлари 2016 йил 1 январгача бўлган даврда имтиёзли пенсияга чиққан корхона ва ташкилотларга татбиқ этилиш-этилмаслигини тушунтириб беришингизни сўраймиз. Агар татбиқ этилса, бунга қандай норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар асос бўлади?

Р.Қосимов.

— Ҳақиқатан ҳам, мулкчилик ва ҳўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, **корхоналар ва ташкилотлар** меҳнатга ҳақ тўлаш учун мўлжалланган маблағлардан ходим пенсия ёшига етгунига қадар (Қонуннинг 7-моддаси) Қонун 12-моддасининг «б»—«е» бандларига мувофиқ пенсиялар тўловига кетадиган харажатларни қоплайдиган **ҳақни 1994 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 80% миқдорида, 1995 йилда тайинланадиган пенсиялар бўйича 90% ҳамда 1996 йил ва ундан кейинги йилларда тайинланадиган пенсиялар бўйича 100% миқдорида** бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига **тўлайдилар** (Олий Кенгашнинг 3.09.1993 йилдаги 939-XII-сон қарори 3-банди).

Қонун 66-моддаси 2-қисмининг 1.01.2016 йилгача амал қилган тахририга мувофиқ, корхоналар ва ташкилотлар меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатидаги **ногиронлик** учун тайинланган пенсияларни тўлаш, шунингдек ходим пенсия ёшига тўлгунга қадар ушбу Қонун 12-моддасининг «б»—«ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш учун бюджетдан ташқари Пенсия жамгармасига харажатларни қоплайдилар.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига ўзгартиш ва қўшим-

чалар киритиш ҳақида»ги Қонунга (22.12.2010 йилдаги ЎРҚ-272-сон) мувофиқ, 66-модданинг 2-қисми янги тахрирда баён этилди (1.12.2016 йилдан кучга кирди). Энди корхоналар нафақат ногиронлик бўйича пенсияларни ва Қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ (1.01.2016 йилдан «е»—«ж» бандлар чиқариб ташланди), балки **боқувчисини йўқотганлик** учун пенсияларни ҳам тўлаганлик учун Пенсия жамгармасига пул ўтказадилар.

Юқорида келтирилган норма «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ Пенсияларни тўлашга харажатларни қоплаш тартиби тўғрисидаги низомнинг (ВМнинг 23.12.2014 йилдаги 357-сон қарорига 1-илова) 1-банди 5—7-хатбошилари, шунингдек 2-бандида акс эттирилган. Унга мувофиқ, корхоналар ва ташкилотлар томонидан пенсияларни тўлашга харажатларни қоплашга тўлов Низомда назарда тутилган тартибда:

➤ ходимларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майибланиш ёки касб касаллиги оқибатида тайинланган **боқувчисини йўқотганлик** пенсиялари бўйича **2016 йил 1 январдан бошлаб**;

➤ Қонуннинг 12-моддаси «в»—«ж» бандларига мувофиқ тайинланган пенсиялар бўйича **2016 йил 1 январгача** амалга оширилади.

Расмий жавоб

Нафақа лозим бўлмайди



Синглим битта боласини ёлғиз ўзи тарбиялайди. У болани 16 ёшгача парваришлаш нафақасини олиш учун маҳалла фуқаролар йиғинига мурожаат қилди. Бироқ иш билан таъминланган оила аъзолари борлигини ҳисобга олиб, ушбу нафақани тайинлашни рад этдилар. Синглим ота-онасининг қарамоғида. Маҳалла фуқаролар йиғинининг хатти-ҳаракатлари қанчалик тўғри, ушбу масалани тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар борми?

Ж.Тулпаев.

Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

– Ушбу ҳолат Кам таъминланган оилаларга ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низоом (*ВМнинг 15.02.2013 йилдаги 44-сон қарорига 1-илова*) билан тартибга солинади. У фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан 14 ёшгача болалар бўлган оилаларга нафақа тайинлаш ва тўлаш тартибини белгилайди.

Нафақа ҳар бир оила аъзосига ўртача ойлик жами даромад миқдори жами даромад аниқланаётган давр учун белгиланган ЭКИХнинг 1,5 баравардан ортиқ бўлмаган оилаларга тайинланади. Агар у мазкур миқдордан кўп бўлса, нафақа тайинлаш **рад этилиши мумкин**.

Нафақа олиш учун оила таркибига:

➢ болаларнинг отаси, онаси ёки никоҳдаги ҳар икки ота-онаси (фарзандликка олувчилар);

➢ ота-оналар билан бирга яшайдиган ва уларнинг қарамоғида бўлган болалар, шунингдек ота-оналар билан биргаликда яшайдиган ва ўз оилаларига эга бўлмаган 16 ёшдан катта ёшдаги болалар (шу жумладан, фарзандликка олинган болалар);

➢ болаларнинг улар билан биргаликда яшайдиган боболари ва бувилари;

➢ болаларнинг ота-оналари (фарзандликка олувчилар) билан биргаликда ҳўжалик юритувчи бошқа шахслар киритилади.

Оиланинг биргаликда яшовчи аъзолари таркиби фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органи томонидан белгиланади.

Оиланинг жами даромадига унинг аъзолари томонидан олинган куйдаги даромадлар киритилади:

➢ меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар;

➢ мулкый даромадлар;

➢ якка тартибдаги тадбиркорнинг даромади;

➢ чет элда ишлайдиган ёки тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган оила аъзоларидан пул тушумлари суммаси;

➢ пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар (Низомда назарда тутилган тартибда оила олаётган нафақа ёки моддий ёрдамдан ташқари);

➢ шахсий ёрдамчи (деҳқон) ҳўжалигини юритишдан олинган даромад;

➢ қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа даромадлар.

Меҳнатга ҳақ тўлаш шаклидаги даромадлар **ҳисоблаб ёзилган** сумма бўйича ҳисобга олинади (солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар чегириб ташлангунга қадар).

Фермер эътиборига

? *Агар деҳқон ҳўжалиги 2016 йил июнда рўйхатдан ўтказилган бўлса, унинг бошлиғи 2016 йилда қанча миқдорда сугурта бадалларини тўлаши керак эди? Агар бадаллар 4,5 ЭКИХдан кам бўлса, бу йилнинг қайси даврлари иш стажига киритилади?*

– Деҳқон ҳўжаликлари учун йилига ЭКИХнинг 4,5 баравари миқдоридаги сугурта бадаллари назарда тутилган (*Солиқ кодексининг 311-моддаси*). Агар у июнда ташкил этилган бўлса, деҳқон ҳўжалигининг бошлиғи белгиланган бадалнинг ярмини, яъни ЭКИХнинг 2,25 бараварини тўлаши керак. Тегишинча, иш стаж деҳқон ҳўжалиги ташкил этилган кундан бошлаб ҳисобга олинади, яъни бу 2016 йил июнда амалга оширилган ва сугурта бадаллари, тегишинча, тўланган бўлса, 2016 йил июндан декабргача бўлган давр иш стажига киритилади.

? *Деҳқон ҳўжалиги 2.10.2016 йилда рўйхатдан ўтказилган. Деҳқон ҳўжалиги бошлиғи 2016 йилда сугурта бадалларини қанча миқдорда тўлаши керак эди? Агар уларни тўлаш мажбурияти бўлмаса, бу даврлар иш стажига киритиладими?*

– Юқорида айтилганидек, деҳқон ҳўжалиги бошлиғида 3 ой, яъни 2016 йил октябрь–декабрь учун сугурта бадалларини тўлаш мажбурияти юзага келади. Шунинг қайд этиш

зарурки, сугурта бадаллари тўланган даврларгина иш стажига киритилади.

Маълумот учун!

Деҳқон ҳўжалиги аъзоси Пенсия жамғармасига тўлаган сугурта **БАДАЛЛАРИ ҲИСОБИНИ** унинг **ДОИМИЙ ЯШАШ** жойидаги солиқ органи ва Пенсия жамғармаси бўлими юритади.

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.



Деҳқон ҳўжалиги бошлиғи 2017 йил январда энг кам иш ҳақининг 4,5 баравари миқдориди 2017 йил учун суғурта бадалларини тўлади, февралда эса Пенсия жамғармаси бўлимига пенсия тайинлашни сўраб мурожаат қилди. Унинг иш стажига неча ой киритилади?

– Агар деҳқон ҳўжалиги бошлиғи 2017 йил февралда пенсия ёшига етган ва, тегишинча, унга февралдан бошлаб пенсия тайинланган бўлса, 2017 йил учун суғурта бадаллари тўлиқ тўланганидан қатъи назар, иш стажига

га фақат январь киритилади. Сабаби ёшга доир пенсия тайинланганидан кейинги ишланган вақт уни ҳисоблаб чиқариш учун стажга қўшиб ҳисобланмайди (Қонуннинг 37-моддаси 5-қисми).



2016 йилдан бошлаб деҳқон ҳўжаликлари бошлиқлари суғурта бадалларини мажбурий тартибда тўлашлари керак. Деҳқон ҳўжалигида ишловчилар учун иш стажини ҳисоблаб чиқариш тартиби қандай?

– Мазкур тартиб Чет элда ишлаётган Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ҳамда иш вақтини ҳисобга олиб бўлмайдиган шахсларнинг айрим тоифалари томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига суғурта бадаллари тўлаш тартибини, шунингдек уларнинг пенсияни ҳисоблаш учун олинadиган иш стажини ва иш ҳақи миқдорини ҳисобга

олиш тартиби тўғрисидаги низомда (ВМнинг 22.02.2016 йилдаги 46-сон қарорига 1-илова) акс эттирилган.

Низомга мувофиқ, Солиқ кодексининг 311-моддасида белгиланган суғурта бадаллари миқдори (йиллига камида ЭКИХнинг 4,5 баравари) тўланганда деҳқон ҳўжалиги аъзоларига иш стажини ҳисоблаб чиқишда шу йилни қўшиб ҳуқуқи берилади.

ШЖБПХ мерос сифатида



Ходим пенсия ёшига етмай, тўсатдан вафот этди. Унинг ШЖБПХда пенсия жамғармаси бор. Меросхўрлари уни мерос сифатида олишга ҳақлими? Агар ҳақли бўлмаса, эгаси вафот этган тақдирда бу маблағлар нима қилинади?

Л.Мохина. Тошкент ш.

– Ҳа, ҳақлилар. Фуқаро вафот этган тақдирда, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисобварағида жамғарилган маблағлар қонун ҳужжатларида белгиланган тар-

тибда меросга ўтади ва меросхўрга бир йўла тўла ҳажмда тўланади. Жамғариб бориладиган пенсия тўловлари олувчининг яшаш жойидаги Халқ банки филиали томонидан берилади

(«Фуқароларнинг жамғариб бориладиган пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 17-моддаси).

Қонунга кўра мерос қолдирувчининг қариндошлари ва қарамоғидагилар меросхўр бўлиши мумкин. Мерос олиш жараёни мерос очилишидан бошланади. Фуқаро вафот этган кун мерос очилган кун ҳисобланади. Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисида гувоҳнома мерос очилган кундан бошлаб 6 ой ўтгач берилади (АВ томонидан 30.03.2010 йилда 2090-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Тасдиқлаш жараёнида



Ҳарбий-саноат комплексига кирувчи корхоналар рўйхатини белгилувчи муайян ҳукумат қарори мавжудми?

Мудофаа вазирлиги пенсионерлари.

– ЎзР Мудофаа вазирлигидан олинган ахборотга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳарбий-саноат комплекси таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар рўйхатини тузиш ҳозирча ишлаб чиқиш босқичида турибди. Рўйхат норматив-ҳуқуқий ҳужжат билан тасдиқланиши назарда тутилмоқда.



Мавзувий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

ЭКИХдан келиб чиқиб

? Меҳнат кодексининг 155-моддасига мувофиқ, муайян давр учун белгиланган меҳнат нормасини ва меҳнат вазифаларини тўлиқ бажарган ходимнинг ойлик меҳнат ҳақи қонун ҳужжатларида Меҳнатга ҳақ тўлаш ягона тариф сеткасининг биринчи разряди бўйича белгиланган миқдордан оз бўлиши мумкин эмас. Бироқ ушбу қоидага риоя этмаслик ҳоллари мавжуд. Агар ходимга биринчи разряддан оз иш ҳақи ҳисоблаб ёзилган бўлса, ушбу давр пенсияга чиқишда иш стажига ҳисобга олинadими ёки мазкур норма иш берувчини тегишли жавобгарликка тортиш учун асос саналадими?

А.Резепов. Тошкент ш.

– Маълумки, ходим давлат томонидан ижтимоий суғур-
таланган ҳолда бажарган ҳар қандай иш, агар у бюджетдан
ташқари Пенсия жамғармасига **сугурта бадаллари тўла-
ган бўлса**, иш стажига қўшиб ҳисобланади (Қонуннинг
37-моддаси 1-қисми «а» банди).

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинadиган иш ҳақиға
қонун ҳужжатларига мувофиқ сугурта бадаллари ҳисобла-
надиган меҳнатга ҳақ тўлаш тарзидаги барча даромадлар
қўшилади (Қонуннинг 32-моддаси 1-қисми).

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун ўртача ойлик иш ҳақи
ЭКИХдан кам бўлган ёки иш ҳақи тўғрисидаги маълумот-
лар тўлиқ мавжуд бўлмаган ҳолларда пенсия энг кам иш
ҳақидан келиб чиқиб ҳисоблаб чиқарилади.

Юқорида баён этилганлардан кўринганидек, қонун
ҳужжатларида пенсия тайинлаш ва иш стажини ҳисоблаб
чиқариш учун иш ҳақи миқдорлари юзасидан алоҳида
талаблар мавжуд эмас. Саволингизда қайд этилган талаб
эса иш берувчининг жавобгарлигини акс эттиради.

Зафаржон Хўжаев,

ЎзР Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси
иқроия аппаратининг пенсиялар тайинлаш услубияти бўлими бошлиғи.

Буни билиш муҳим

Ишловчи пенсионерлар қаторида

Ишловчи пенсионерларга пенсия тўлаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш киритилди (АВ томонидан 3.04.2017 йилда 2222-3-сон билан рўйхатдан ўтказилган), унга мувофиқ тўлиқ миқдорда пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлган ишловчи пенсионерлар тоифасига қуйидагилар қўшилди:

➤ Фуқароларнинг ўзини ўзи бош-
қариш органлари фаолиятини муво-
фиқлаштириш бўйича республика
кенгаши ва унинг Қорақалпоғистон
Республикаси, вилоятлар ва Тошкент
шаҳар, туманлар ва шаҳарлар ҳудудий
кенгашлари раисларининг биринчи
ўринбосарлари ва ўринбосарлари;

➤ Ўзбекистон фахрийларининг
ижтимоий фаолиятини қўллаб-қув-
ватлаш «Нуроний» жамғармасининг
барча ходимлари;

➤ Мудофаа вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Қуролли
Кучлари Академияси, олий ҳарбий
таълим муассасалари ўқитувчилари
ва илмий ходимлари;

ҳарбий-академик лицейлар раҳ-
барлари, уларнинг ўринбосарлари
ва ўқитувчилари, шунингдек рес-
публика академик лицейлар ва
касб-хунар коллежларининг бош-
ланғич ҳарбий тайёргарлик бўйича
раҳбарлари;



ҳарбий-саноат комплексининг
таркибига кирувчи корхоналар-
нинг бошқарув ва ишлаб чиқариш
ходимлари жумласига кирадиган
мутахассислари сифатида меҳнат
фаолиятини амалга ошираётган
ҳарбий хизматчилари;

➤ ИИБ, ФВВ, МХХ ва ДБҚнинг:

РЕКЛАМА



Ўзбекистон Республикаси
қонунчилиги

www.norma.uz

Мавзуйий сонни муҳбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

МХХ институти, Стратегик таҳлил ва истиқболни белгилаш олий мактаби, Махсус тайёргарлик ўқув маркази, Радиоэлектрон тизимлар ва ахборот технологиялари маркази, шунингдек ФВВ Фуқаро муҳофазаси институти, аҳоли ва раҳбар ходимларни тайёрлаш ҳудудий марказлари ва бошқа олий ҳарбий таълим муассас-

саларининг ўқитувчилари ва илмий ходимлари;

республика академик лицейлари ва касб-хунар коллежлари маънавият ва маърифат ишлари бўйича раҳбар ўринбосарлари ва тарбиячилари;

ҳарбий-саноат комплексининг таркибига кирувчи корхоналарнинг бошқарув ва ишлаб чиқариш ходимлари

жумласига қирадиган мутахассислари сифатида меҳнат фаолиятини амалга ошираётган ҳарбий хизматчилари ва ходимлари.

Башарти ҳарбийлаштирилган тузилмалар вакиллари бошқа жойларда ўриндошлик асосида ишламасалар, пенсияни 100% миқдориди оладилар.

Уларда қандай

Солиқ имтиёзлари ва 50 фоизлик чегирма

Имтиёзлар кексаларга ғамхўрлик қилишда муҳим аҳамиятга эга.

Солиқларни тўламаслик, транспортда бепул юриш имконияти ва бошқа имтиёзлар уларнинг турмушини енгиллаштиради.

Россиялик пенсионерлар учун имтиёзлар рўйхатида бир қатор солиқларни тўлашдан озод қилиш киради. Улар мол-мулк солигини (уй, квартира, гараж ёки бошқа хонадан) тўламайдилар. Имтиёзни ишловчи пенсионерлар ҳам оладилар. Агар пенсионер мол-мулк солигини тўлаган бўлса, гувоҳнома тақдим этганидан кейин солиқ хизмати солиқ тўшумларини қайта ҳисоблаши ва тўланган пулларни қайтариши шарт.

Транспорт солигини тўлашга имтиёз РФ субъектларининг қонулла-

ри билан белгиланади, яъни ҳар бир минтақа ушбу солиқ бўйича ўз имтиёзларини ўрнатади (ёки ўрнатмайди).

Кўчмас мулк харид қилинганда, янги қурилишда ва яқка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари харид қилинганда пенсионер ЖШДС бўйича солиқ чегирмаси олиш ҳуқуқига эга.

Пенсионерларга манзилли ёрдам назарда тутилган. Мушкул ҳаётий вазиятга тушиб қолганлар уни пул ёки озиқ-овқат маҳсулотлари, гигиена воситалари, кийим-кечак ва бошқа энг зарур нарсалар кўринишида олишлари мумкин.

Пенсионерлар (60 ёшдан 99 ёшгача) ҳар 3 йилда диспансеризациядан ўтади. Ҳар йили ёшидан қатъи назар – уруш ногиронлари, «Қамалдаги Ленинград фуқаросига» белгиси

билан тақдирланган шахслар ва ногиронлар ундан ўтадилар. Ногирон фахрийлар ҳам бепул санаторий йўлланмаларини олишга ҳақлилар. 60 ёшдан ошган фуқаролар гриппга қарши эмлаш дорисини ҳар йили текинга олишлари мумкин.

80 ёшдан ошган кексалар пенсиясининг сугурта қисми миқдори 2 баравар ошади. Шунингдек улар қаровчи кишига пул тўлаб, парвариш олишлари мумкин. Боқувчи қариндошлари ёки мутлақо бегона шахсларнинг парваришlash вақти келгуси пенсия учун сугурта стажига албатта киритилади.

Меҳнат фахрийлари шаҳар йўловчи транспортининг барча турларида (таксидан ташқари) бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Уй-жой, коммунал хизматлар ва ҳ.к. ҳақини тўлашда ҳам 50 фоизлик мавсумий чегирмалар назарда тутилган.



Ўзбекистон пенсионерлари учун Солиқ кодекси билан мол-мулк солиғи ва ер солиғи бўйича имтиёзлар назарда тутилган. Чунинчи, пенсионерлар мулкидаги мол-мулкка 60 кв.м чегарасида (солиқ солинмайдиган энг кам ҳажм) мол-мулк солиғи солинмайди. Ёлғуз (алоҳида уйда бир ўзлари ёки вояга етмаган болалар ёхуд ногирон бола билан бирга яшайдиган) пенсионерлар эса ер солигини тўлашдан озод қилинади. Бундан ташқари, пенсионер жисмоний шахслар учун қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа имтиёзлардан ҳам умумий асосларда фойдаланишга ҳақли.

Пенсионерларнинг муайян тоифаси ҳар ойда уй-жой-коммунал хизматлар ҳақини тўлаш бўйича ҳар ойда пуллик компенсация олади.

Пенсионерлар метрополитенда (соат 10.00 дан 16.00 гача) бепул юриш ҳуқуқидан фойдаланадилар.

Иккинчи жаҳон уруши ногиронлари ва қатнашчилари, пенсионерлар авиа– ва темир йўл чипталарини сотиб олишда чегирмалардан фойдалана оладилар.

Ҳар йили санаторий-курортларда бепул даволаниш ҳуқуқига эга бўлган кекса ёшдаги шахслар рўйхати кенгайтирилди. Бошқа имтиёзлар ҳам мавжуд.

Маъзувий сонни мухбиримиз Алла Ромашко олиб боради.

Ўз вақтида ва қонун ҳужжатларига мувофиқ

Турмуш ўртоғимнинг эски намунадаги паспорти мuddати 10.05.2017 йилда тугади. Яқин ҳафтада паспортини алмаштиришга шароити йўқ. Эски паспортнинг амал қилиш мuddати ўтганлиги учун унга жарима солинадими?

Турмуш ўртоғим – Ўзбекистон фуқароси биз илгари яшаган квартирада пропискадан ўтган. Эски паспортини алмаштирганидан кейин ўша тумандаги янги яшаш жойида пропискадан ўтиши керак бўлади. Агар у хизматни ўтамаган бўлса, яъни манзилда пропискадан ўтиш учун ҳарбий комиссариатга мурожаат қилиши ва маълумотномалар тўплаши зарурми?

Равия К. Тошкент ш.

– Агар турмуш ўртоғингиз қонун ҳужжатларида (Низомнинг 7-банди, 5.01.2011 йилдаги ПФ-4262-сон Фармонга 1-илова) талаб этилганидек паспортининг амал қилиш мuddати тугагач 1 ойдан кечикмасдан уни алмаштириш учун мурожаат қилса, маъмурий жазога тортилмайди.

Ўзбекистонда доимий яшовчи фуқаро паспорт олиши учун доимий рўйхатда турадиган жойидаги хорижга чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига* куйидагиларни тақдим этади:

- белгиланган шаклдаги ариза;
- илгари берилган паспорт;
- туғилганлик ҳақида гувоҳнома (биринчи марта расмийлаштирилаётганда);
- 35 x 45 мм ўлчамдаги фотосурат;
- давлат бож тўланганлиги ҳақида квитанция (Низомнинг 18-банди).

Чақирилувчилар ва ҳарбий хизматга мажбурларнинг ҳарбий рўйхатдан ўтиш қоидаларини бузиши, хусусан, турар жойи, ўқиш жойи, иш жойи ва лавозимидаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотларни қаерда ҳарбий ҳисобда турган бўлса, шу органга ўз вақтида маълум қилмаслиги ЭКИХнинг 1/10 қисмидан 1/3 қисмигача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 235-моддаси 2-қисми; АВ томонидан 18.07.2003 йилда 1259-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқноманинг 47-банди).

*Президентнинг 10.04.2017 йилдаги ПФ-5005-сон Фармонига мувофиқ, Хорижга чиқиш, кириш ва фуқароликни расмийлаштириш божқармаси Миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бож божқармасига ўзгартирилди.

Мен Фарғона вилоятида доимий пропискадан ўтганман. 3 йилдан буюр Тошкентда вақтинча прописка бўйича яшаган ҳолда ишлайман. Шахсий турар жой сотиб олмоқчиман, бироқ доимий пропискасиз бунинг иложи йўқ дейишмоқда. Менга Тошкент пропискаси керак эмас, бироқ ўз номимга квартира сотиб олмоқчи эдим. Доимий пропискага эга бўлмай туриб пойтахтда ўз номимга уй сотиб олишим мумкинми?

Н.Зафиева. Тошкент ш.

Шахсий турар жой учун – доимий прописка

– Тошкент шаҳрида турар жойнинг олди-сотди битимларини нотариал тасдиқлаш ва давлат рўйхатидан ўтказиш Ўзбекистон Республикаси фуқароларини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиш тартиби тўғрисидаги йўриқноманинг (АВ томонидан 4.05.2012 йилда 2358-сон билан рўйхатдан ўтказилган) 21-бандига мувофиқ амалга оширилади. Агар сотиб олувчи томон Тошкент шаҳри ҳудудидида камида 3 йил доимий яшаб турган (лавозимда бўлган), Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида доимий прописка қилиниши лозим бўлган шахслар – Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тоифаларининг рўйхати (14.09.2011 йилда УРҚ-296-сон Қонун билан тасдиқланган) 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ Тошкент шаҳрида доимий прописка қилинган жисмоний шахс ҳисобланса ва ИИБнинг доимий пропискаси борлиги тўғрисидаги маълумотномасини тақдим этса, квартира (уй) сотиб олиши ёки сотиши мумкин.

Шу тарихда, Тошкентда доимий пропискага эга бўлмай туриб, бу ерда уй сотиб ололмайсиз. Ўз номингизга квартира сотиб олиш учун Рўйхатнинг 2, 5, 9–11-бандларига мувофиқ доимий прописка қилинган бўлишингиз лозим.

Шу ўринда маълум қиламизки, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили»да амалга оширишга оид Давлат дастурида (7.02.2017 йилдаги ПФ-4947-сон Фармонга 8-илова) 2017 йил II чораеида бошқа шаҳарлик фуқаролар томонидан қиймати ЭКИХнинг 2 минг бараваридан кам бўлмаган (чет эллик фуқаролар томонидан қиймати 100 минг АҚШ долларидан кам бўлмаган) янги қурилган уйни Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида сотиб олиш ва кўчмас мулк нархидан 5–10% миқдорда давлат божини тўлаш имкони ҳақида қонун ҳужжатлари қабул қилиниши назарда тутилган.

«Оилавий» жарималар

Мен Термиз шаҳрида пропискадан ўтганман ва шу ерда ишлайман. Турмуш ўртоғим ва ўғлим Тошкентда пропискадан ўтганлар ва ўша ерда яшайдилар. Вақти-вақти билан (ойига 3–4 марта) оиламдан хабар олиб тураман. 2017 йил 6 апрель кун кечқурун Тошкентга келдим, 9 апрелда эса участка инспектори келиб, мени таянч пунктга таклиф қилди, у ерда мен билан турмуш ўртоғимга МЖТКнинг 223-моддасига кўра жарима ёздилар. Тошкентда пропискасиз хотинимникида неча кун туришим мумкин? Участка инспектори бу ҳолда хотинимга жарима солишга ҳақли эдимиз?

Д.Ахрорхўжаев. Термиз ш.

– Ҳақиқатан ҳам, паспортни бўлиши шарт бўлган фуқаронинг паспортсиз ёки ҳақиқий бўлмаган паспорт билан, вақтинча ёки доимий пропискасиз ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмасдан яшаши, паспортни қасддан яроқсизлантириши, шунингдек паспортни бепарволик билан сақлаши ва бунинг оқибатида паспортнинг йўқолиши ЭКИХнинг 3 баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Паспорт тизими қоидаларига риоя этиш учун масъул бўлган шахсларнинг бундай қоидабузарликка ёхуд турган жойи бўйича ҳисобда турмаган шахслар яшаб туришига йўл қўйиши ЭКИХнинг 10 баравари миқдорда жарима солишга сабаб бўлади (МЖТКнинг 223-моддаси).

Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига 5 кундан ортиқ бўлмаган мuddатга келган фуқаролар ҳисобга олинмайди (АВ томонидан 28.06.2016 йилда 2804-сон билан рўйхатдан ўтказилган Йўриқнома).

Агар сизда Тошкентга 6 апрель кун кечқурун келганлигингиз далилини тасдиқловчи йўл ҳужжатлари (автобус ёки поезд чиптаси) бўлса, профилактика инспекторининг сизни ва турмуш ўртоғингизни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги қарори устидан шикоят қилишингиз мумкин.

Агар Термиздан Тошкентга йўлақай транспортда келган ва келганингизни тасдиқловчи гувоҳларингиз, масалан, қўшниларингиз бўлса, бу ҳолда ҳам инспектор қарорига қарши чиқишга ҳақлисиз.

Бироқ Тошкентда келган санангиз ва бу ерда бўлган пайтини (5 кундан ортиқ бўлмаган мuddат) тасдиқлай олмасангиз, профилактика инспектори сизга ҳисобда турмай яшаганингиз учун, турмуш ўртоғингизни эса – Тошкентда у пропискадан ўтган жойда ҳисобда турмай яшаб туришингизга йўл қўйгани учун жарима солишга ҳақли.

Санжар Хўжааҳмедов,
«Norma Online» эксперти.

СЕМИНАР

Коррупцияга қарши курашиш йўлида

Бугунги кунда коррупция дунё мамлакатларини безовта қилаётган муаммолардан бирига айланган. Бу салбий воқеликка қарши курашиш борасида Ўзбекистонда ҳам муайян қонунчилик базаси яратилган.

Хусусан, республикаимиз 2008 йилда БМТнинг Коррупцияга қарши конвенциясини ратификация қилган. 2010 йилда Ўзбекистон Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилати Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракат дастурига қўшилган. 3.01.2017 йилда Ўзбекистон Республикасининг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилинган. 2.02.2017 йилда эса Президентимизнинг «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қоидаларини амалга ошириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги қарори қабул қилиниб, унга мувофиқ 2017–2018 йилларга мўлжалланган Коррупцияга қарши курашиш бўйича давлат дастури тасдиқланди.

Давлат статистика қўмитасида бўлиб ўтган семинарда коррупцияга қарши курашиш бўйича Қўмита томонидан қабул қилинган чора-тадбирларни бarchа даражадаги статистика органларида сўзсиз таъминлаш масалалари муҳокама этилди, коррупция ҳолатларининг олдини олиш, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари талабларига қатъий риоя этилиши юзасидан талаблар қўйилди.

Статистика тизими раҳбар ва ходимларининг мансаб ваколатларини суиистеъмол қилишига йўл қўймаслик, ўз касбига нисбатан масъулият ҳиссини ошириш, юклатилган вазифа ва мажбуриятларни бажаришда ҳалоллик, ҳолислик, беғаразлик тамойилларига риоя қилиш, ҳар қандай кўринишдаги сансалорлик, ўзбошимчилик, лоқайдлик ва бошқа салбий ҳолатларга қатъий чек қўйиш ва бошқа одоб-ахлоқ меъёрлари тушунтирилди ва бу борада масъул ходимларга тегишли тавсиялар берилди.

Шу билан бирга, тизим органларининг нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари билан ижтимоий шериклик асосидаги ҳамкорлиги, аҳоли ва

тадбиркорлик субъектлари вакиллари иштирокида соҳага оид янгиликлар, электрон шаклдаги статистика ҳисоботларини тўлдириш қоидалари, давлат статистика органлари фаолиятининг очиклигини ёритиб берувчи маълумотларни кенг жамоатчиликка етказиш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган вазифалар атрофида муҳокама этилди. Қолаверса, тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасида қабул қилинган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларини, хусусан УРҚ-418-сон Қонуннинг давлат статистика соҳасига оид талабларини фаолият кўрсатаётган ҳамда янги ташкил топган тадбиркорлик субъектларига тушунтириш бўйича амалга оширилиши лозим бўлган ишлар бўйича тизимли кўрсатмалар берилди.

Ш.Джанимов,
Давлат статистика қўмитаси бўлим бошлиғи.

ҚОНУНЧИЛИКДАГИ ЯНГИЛИК

Ташкилот ва фуқароларнинг транспортдан фойдаланганлик учун зарар қандай қопланади

Вазирлар Маҳкамасининг 24.04.2017 йилдаги 235-сон қарори билан Ички ишлар органлари томонидан ташкилотлар ва фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида қилинган харажатлар ёки етказилган зарар, шунингдек транспорт воситасининг эгасига етказилган мулкый зарарнинг ўрнини қоплаш тартиби тўғрисидаги низом тасдиқланди.

Ички ишлар органлари (ИИО) ходимлари қуйидаги ҳолларда ташкилотларнинг ёки фуқароларнинг транспорт воситаларидан мажбурий тартибда фойдаланиши мумкин:

- табиий офат ёки фавқуллодда ҳолат юз берган жойга боришда;
- шошилиш тиббий ёрдамга муҳтож фуқароларни тиббий муассасаларга олиб боришда;
- жиноят содир этган шахсларни таъқиб қилиш ва уларни ички ишлар органларига олиб келишда;
- ҳодиса жойига олиб боришда ёки шахсий таркибни жанговар тревога бўйича тўплаш жойига йиғишда («Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси).

Низомда қуйидагилардан фойдаланишга йўл қўйилмайди:

- чет давлатларнинг дипломатик, консуллик ва бошқа ваколатхоналарига, шунингдек халқаро ташкилотларга тегишли бўлган автомобиллардан;
- махсус мўлжалланган ва сирена ўрнатилган транспорт воситаларидан, шунингдек Ҳукумат раҳбарларини олиб юрвчи, тиббий тез ёрдам, ёнгин ўчириш, конвой, инкассация хизматларининг транспорт воситаларидан.

Бегона автомобиллардан фойдаланилганда ИИО ходими унинг эгасига ходим транспорт воситасидан фойдаланилганлик фактини тасдиқловчи ва уни идентификацияловчи ҳужжат бериши шарт. Ҳужжат

намунаси ва унинг бериш тартиби Ички ишлар вазирлиги томонидан белгиланади.

Транспорт воситасидан фойдаланган ИИО ходими ҳолат бўйича барча тасдиқловчи ҳужжатлар (ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва бошқа ваколатли давлат ташкилотларининг маълумотномалари) илова қилинган билдирги билан ўз раҳбарига ахборот беради.

Қилинган харажатлар ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш масалаларини ўрганиш учун ИИОда доимий комиссиялар тузилади.

Қилинган харажатлар ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш учун автомобилнинг эгаси (унинг вакили) ички ишлар органига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- қилинган харажатлар ва етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш тўғрисидаги ариза;
- паспорт ёки шахсни тасдиқловчи бошқа ҳужжатнинг нусхаси (жисмоний шахслар учун);
- транспорт воситаларидан фойдаланилганлик фактини тасдиқловчи ҳамда ИИО ходимини идентификацияловчи ҳужжат;
- вакил сифатида мурожаат қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ва шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг нусхаси (транспорт воситаси эгасининг вакили мурожаат қилган тақдирда).

ИИО раҳбари томонидан ҳужжатлар 3 кун муддатда комиссияга тақдим этилади. Улар 15 кун давомида, қўшимча ҳужжатлар ёки текширув талаб этилганда эса 1 ойгача бўлган муддатда кўриб чиқилади. Мурожаат натижалари ҳақида автомобиль эгасига 3 кун муддатда маълумот берилди.

Комиссиянинг зарарни қоплаш тўғрисидаги қарорига асосан:

- бутунлай яроқсиз ҳолга келган ва тиклаш имкони бўлмаган тақдирда транспорт воситасининг бозор қиймати;
- фойдаланганлик натижасида меъёр бўйича сарф қилинган ёқилгининг ҳақиқий харажат қиймати;

➤ ички ишлар органи ходими томонидан транспорт воситасидан фойдаланилгандан кейин қилинган харажатлар ёки етказилган зарар қопланади.

Қилинган харажатлар ва етказилган зарар миқдори ИИО томонидан баҳолаш ташкилотини жалб қилган ҳолда аниқланади.



Автомобиль эгаси (унинг вакили) билан келишилган ҳолда, мулкый зарар нақд, пул ўтказиш ёки тенг қийматдаги транспорт воситасини бериш йўли билан, уни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни инобатга олган ҳолда натура тарзида қопланиши мумкин.

Қилинган харажатлар ва етказилган зарар ўрнини қоплаш бўйича тегишли қарор қабул қилингандан сўнг, ИИО томонидан улар 10 кун муддатда қопланиши лозим.

Белгиланишича, бегона транспорт воситаларидан мажбурий тарзда фойдаланганлик натижасида ИИО ходимининг ноқонуний ҳаракатларига боғлиқ қилинган харажатлар ёки етказилган зарар айбдор шахсдан ундирилади.

Ҳужжат 1.05.2017 йилдан кучга кирди.

Сардор Жумашов, Олег Заманов,
«Norma Online» экспертлари.

Ижтимоий реклама

2017 йил — Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

РЕСПУБЛИКА
КИТОБ
БАЙРАМИ
25-27 май
2017 йил

Ҳурматли юртдошлар!

Республикаимиз аҳолисининг, айниқса ёш авлоднинг маънавий ва интеллектуал эhtiёжларини қондиришда китобнинг ўрни ва аҳамиятини янада ошириш мақсадида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан бир қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда 2017 йилнинг 25–27 май кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлар марказларида ҳамда Тошкент шаҳридаги Гафур Гулом номидаги маданият ва истироҳат боғида «Адабиётга эътибор – маънавиятга, келажакка эътибор» шиори остида анъанавий Республика «Китоб байрами» ўтказилмоқда.

Мақсуд тадбир дастуридан адабий-бедий, ижтимоий-сиёсий ҳамда энциклопедик йўналишдаги китоблар тақдими, ношир ва муаллифлар, адиб ва шоирлар, китоб графикаси рассомларининг китобхонлар билан бевосита ижодий учрашув-мулоқотлари, мушоиралар, совринли интеллектуал викториналар, шунингдек, «Китобсеварларни қутлаймиз!» номли концерт дастурлари ўрин олган.

26 май куни «Китоб – миллатнинг бебаҳо маданий ва маънавий мероси» мавзuida V илмий-амалий конференция ҳам ўтказилмоқда.

Барча китобсеварларни Республика «Китоб байрами»га лутфан тақлиф этамиз!

Маълумот учун телефон – 244-12-61.

Илмий-ҳуқуқий газета
НОРМА МАСЛАХАТЧИ
ХУҚУҚ СОЛИҚЛАР БУХГАЛТЕРИЯ

ТАЪСИСЧИ «Норма Намкор» МЧЖ

Газета 2006 йил 26 декабрда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинди.
Рўйхат рақами 0074.
Хафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.

Бош муҳаррир
Фарҳод Собирович
ҚУРБОНОВ

Нашр учун масъул –
бош муҳаррир
ўринбосари,
масъул котиб
Нодир Носирович
АЛИМОВ

Адабий муҳаррир
Зулфия
Саидмуратовна
РАҲИМБЕКОВА

Саҳифаловчи
Наталья
БАРАНОВА

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:
100105, Тошкент ш., Миробод тумани,
Таллимаржон кўч., 1/1,
Таҳририят тел. 200-00-90
Обуна бўлими тел. 200-00-30
E-mail: sbx@norma.uz,
gazeta@norma.uz,
web: norma.uz

Обуна, газеталар, китоблар,
газеталарнинг электрон версияларини
етказиб бериш ва хабар қилиш масалалари
бўйича 200-00-30;
«Norma» АКТ бўйича – 200-00-90;
Рекламани joyлаштириш бўйича
283-32-31, 283-36-32 телефон рақамларида
муурожаат қилиш мумкин.

Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида тирилди ва саҳифаланди.
Нашр кўрсаткичи – 186. Қўғоқ бичими – А3. Ҳажми – 2 босма табоқ. Басма келишилган нархда.
Буюртма 973. Ақлди 1 150. Газета 2017 йил 22 май соат 18.00 да топширилди.